# Ташаккурнома

## УЛУҒ РУС ХАЛҚИГА ЎЗБЕК ХАЛҚИДАН МАКТУБ

Ассалом улуғ халқ, енгилмас, мард халқ!
Донишманд, халоскор, саҳий, ҳамдард халқ!

Замонда нимаки қилибмиз ижод,
Барига йўлбошчи, барига устод.
Биз бугун кўз тутиб йўлларингизга,
Юракдан гул тутиб қўлларингизга,
Марҳамат, оғамиз рус халқи, деймиз,
Ҳар тонг қуёш каби сен балқи, деймиз!
Буюк Россиянинг чин фарзандлари,
Қалбу ишқ заргари, ҳунармандлари,
Ташриф буюрдингиз Ўзбекистонга,
Ўзбекларнинг боши етди осмонга.
Бу ерда ўрта куз — тўкинлик фасли,
Фасллар ичида олтини, асли.
Бу йил тенгсиз бўлди йиллар ичида,
Бу йил ипагимиз мўл бўлди жуда,
Бу йил мева-чева, сабзавот тўкин,
Пахта учун кураш топар соз якун;
Бу йил саноатнинг қудрати ошди,
Янги ГЭСларимиз нурини сочди;
Бу йил химиямиз юксалди яна,
Хуллас, элимизда ажиб тантана!
Бу сизга ярашуғ, хуш келибсизлар!
Қадамингиз қутлуғ, хуш келибсизлар!
Кузимиз устига хуш келибсизлар,
Кўзимиз устига хуш келибсизлар!

Гул қуёшни кўриб турланганидай,
Нақлга нақллар уланганидай,
Жоиздир дўстларни кўрган чоғимиз,
Дўстлик тарихини эсламоғимиз...

Босқинлар, кишанлар, зулму ҳақорат
Элу юрт бахтига солганда ғорат,
Кўплар паноҳ излаб кетди ватандан,
Юракни суғуриб олгандек тандан —
Волга бўйларига, Сибирь томонга
Гуруҳ-гуруҳ кўчдик, ёв бўлиб хонга.
Икки юз йил аввал тошкентлик косиб
Петербургга борди, қанча йўл босиб.
Мақсади — Россия билан бир бўлмоқ —
Битта эл, битта юрт, битта ер бўлмоқ.
Катта мамлакатдан, каттакон халқдан,
Шимол ўлкасида ҳақиқат, ҳақдан —
Нишон топмоқ учун у томон оқди.
Ҳақни топмаса-да ўртоқни топди.
Курашда ҳаммақсад, бир тепиб дили,
Мангуга бирлашди рус-ўзбек эли.

Оқ пошшо қанча ҳам қилса босқинлик,
Бирликка, эрликка, эркка тўсқинлик, —
Сўнмади дилларда мардлик, бутунлик,
Ёруғлик зулматга қилди устунлик...
Икки азамат халқ топди бир-бирин,
Бири оғам деди, бириси иним.
Элни босқинчилар талаб келганди,
Боғларни қуритиб, ялаб келганди.
Рус келди, — деймиз биз, — кўп дуруст келди.

Гўё юзта баҳор устма-уст келди.
Маърифатнинг не-не пешвоси келди,
Дунёвий илму фан дарёси келди.
Ломоносов илми, Улуғбек илми —
Бир-бирин тўлдирди, ёритди элни.

Кундуз билан кеча иноқ бўлолмас,
Бир вақтда иккови қўноқ бўлолмас —
Нур-зулмат кураши этарди давом,
Нурга умид билан талпинди авом...
Чақмоқдек ялт этиб кечани йиртган,
Боши кесилса ҳам ажралмай юртдан —
Ҳақни айтадиган мардлар бор эди,
Бу юрт фозилларга бой диёр эди.
Фурқат билан Дониш, Муқимий, Аваз...
Рус илму санъатин қилдилар ҳавас.
Янгроқ ғазалларда куйлашди доим,
Қардош бўлиш йўлин ўйлашди доим.
Эл бахтин кўзловчи янги ғоялар
Оқди биз томонга, қулаб қоялар,
Дарёдай тўлқинлар отди лиммо-лим:
Мингларча врачлар, мингларча олим
Ўрта Осиёнинг тунин ёритди,
Бедаво дардлардан танни аритди.
Мутелик, қашшоқлик эзган халқ эдик,
Зулм дунёсидан безган халқ эдик.
Меҳрибон Россия узатди қўлин,
Кўрсатди зулматдан қутилиш йўлин.

Инсоннинг кўнглида бир армони бор:
Билмас қуёш учун кимдан у қарздор.
Миннатдорлик айтиш — эзгу эҳтиёж,
Бахтдир — инсон очса инсонга қулоч.
Биз қарздор эмасмиз арши-аълодан;
Бизни рус халқига мангу боғлаган —
Қуёш каби қайноқ, буюк туйғу бор:
Бизлар Ленин учун ундан миннатдор!
Унинг жон-жонида бор эди Ленин,
Имон-инонида бор эди Ленин.
Қанчаки ҳарорат бўлса бағрида,
Неки жавоҳир бор кўнгил қаърида,
Феълида қанчаки файзу фазилат,
Қўшиқларидаги сайқал ва зийнат,
Қалбида минг йиллик эзгу армонлар,
Қонида қайнаган чексиз туғёнлар,
Кўрган қора куни, фикридаги нур,
Умид — кул остида йилтиллаган кўр,
Меҳри дарё халқнинг ғазаб, шиддати,
Зулм тоши остида ётган қудрати,
Муқаддас инсонлик қадри, баҳоси,
Келажакдай ёрқин, буюк даҳоси —
Бари бир нуқтада жам бўлиб, бари,
Қуёш олмос тошда ёнган сингари,
Россия кўксида олиб аланга,
Улуғ Ленин бўлиб келди оламга!
Инқилоблар билан янгроқ асримиз,
Кураш, ҳақиқатга чанқоқ наслимиз
Ленинизм билан эгизак туғилди,
Унинг нури билан тонгда йўғрилди.

Инқилобий шуъла сочди Партия,
Кўзимизни мангу очди Партия!
Партия яшнатди шууримизни,
Қардошлик туфайли ғуруримизни!
Октябрь тонгида биз жангга кирдик,
Рус оғалар билан ёнма-ён юрдик.
Бу жангда ўргандик ғалаба фанин
Ва билдик мардликнинг нима эканин,
Бу жангда бахт билан келдик юзма-юз,
Бу жангда байроқдор бўлди улуғ рус,
Бу жангда танидик ўзлигимизни,
Тобладик тарихий дўстлигимизни.
Халқларга бош бўлди паҳлавон руслар,
Совет эли бўлди барча улуслар.
Ирмоқлар қўшилди азим дарёга,
Эргашдик синалган буюк дарғага.
Дўстликни халқларга ўргатди Ленин,
Шу қудрат бешигин тебратди Ленин.

Октябрь ғалаба қозонди, лекин
Қўймади разиллар ўз фитналигин...
Улуғ Россиянинг иниси бўлган
Туркистонни ёвлар босди дафъатан:
Оқлар, қўрбошилар, хон бандалари,
Анвар подшо билан кушандалари,
Қанча рўзғорларни қилдилар вайрон,
Тошкентни қоплади кулфат, ғалаён.
Озодлик гуллари янчилар бўлди,
Зиндон қопқалари очилар бўлди.
Талонлар, босқинлар бошланди, ҳайҳот,
Фарғона, Зарафшон кўтарди фарёд...

Ташаккур, оғамиз улуғ рус халқи,
То жаҳон тургунча қуёшдай балқи!
Зулмат кечаларда бизни қўлладинг,
Ёвларни енгмакка мадад йўлладинг.
Ўн тўрт комиссаринг — ўн тўрт қадрдон
Озодлик тонгида фидо қилди жон.
Журъат этмай элга қарши боришга,
Бухоро амири қочди хорижга.
Фарғона кўкидан тарқади зулмат,
Туркистондан мангу ариди кулфат.
Ташаккур, оғамиз улуғ рус халқи,
То жаҳон тургунча қуёшдай балқи!
Оғир палла эди — очлик, вайронлик,
Оғир палла эди — кулфатлик, қонлик.
Доҳий ўйларида сонминг муаммо,
Башарий мушкуллар, фронтлар... Аммо
Ўзбек элининг ҳам равшан тақдири,
Мактаби, орзуси, пахтаси, ери —
Бор эди доҳийнинг режаларида.
Кўрарди совуқ қиш кечаларида
Қовжироқ чўлларнинг бўронларини,
Келажак оқ олтин хирмонларини.
Юртимиз у маҳал чўл қуршовида,
Гўё бадбахтликнинг қурч тушовида;
Мирзачўлнинг асрий бир овозаси:
Гўёки дўзахнинг оч дарвозаси!
Тақдирдан норози, чанқоқ, изза чўл,
Борса келмас эди қақроқ Мирзачўл...
Марказий Фарғона ундан баттарди,
Авайсиз йўл солсанг, жонга хатарли.
Фирдавс боғларини кўриб тушида,
Хоразм ётарди чўл оғушида;
Жингиртоб тўлғоқда Сурхон, Бухоро,
Қумга қултум эди не сой, не дарё,
Қадимий туғонлар вайрон бўлганди,
Деҳқонлар чўлларда сарсон бўлганди,
Тарқоқлик балоси қуритганди ҳол,
Қуриганди тинка, йўқ эди мажол...
Минг йиллик сирқовнинг дармони бўлиб,
Минг йилда ушалган армони бўлиб,
Бонгдай садо солди Ленин декрети,
Элга малҳам бўлди Ленин декрети;
Дарё, қуёшимиз, тоғ сийналари,
Талантлар, халқ қалбин хазиналари
Кутарди илму фан бургутларини,
Кржижановский шогирдларини.
Дорилфунунимиз зар пештоқида
Келажак авлодлар бахти ҳақида
Мармарга ўйилган сўзлар янгидир,
Қуёш нурларидай азиз, мангудир.
Бунда Шарқ маърифат машъали ёнди,
Дилларда журъатли ўйлар уйғонди.
Ленин эшелони келган йил ҳамон
Советлар Шарқида — тилларда достон.

* * *

Руснинг аёллари, сизга тасанно!
Севги бундоғ бўпти! Мана бу вафо!
Декабристларни чор сургун этди,
На Сибирь совуғи сизни чўчитди,
На йўл азоблари бўла олди ғов,
Ерларингиз томон кетдингиз яёв...
Жаҳон бахти учун Ленинни дея
Сургунларда юрди Крупская.
Ўзбек қизларининг опаларисиз,
Шарқ юлдузларининг опаларисиз!
Шуларга журъатни ўргатганларсиз,
Озодлик йўлини кўрсатганларсиз!
Фарғонада гулхан ёқилган чоғи,
Обод бўлганида кўнгиллар боғи,
Сиз, рус аёллари, ҳамдам эдингиз,
Инқилоб руҳидай бардам эдингиз.
Сиздан ўрнак олиб қизимиз Нурхон
Бидъатни фош этиб, жангда берди жон.
Тожихон чимматни илк бор отган қиз,
Уни Москвада табрик этгансиз.
Ўзбек қизларининг кулди иқболи,
Президентимиз — ўзбек аёли!
Дала маликаси машҳур Турсуной,
Ҳур меҳнат қўшиқркан чиройга чирой.
Турли касбларда бўлиб миришкор,
Аёлдан артистлар ва олимлар бор...
Аммо қизлар дили сира турмас тек,
Бир учсак дейдилар Терешковадек...
Руснинг аёллари, сизга тасанно!
Севгингиз, ишингиз бирдек серманъно!

* * *

Фашист босқинчилар юртга қўйгач ўт,
Тўсди осмонимиз тутун ва булут.
Уйимиз, еримиз бир бўлгандан сўнг,
Шонли тақдиримиз бир бўлгандан сўнг,
Найзадек саф-басаф отландик жангга,
Яна бу жангда ҳам суяндик сенга.
Шунда сен, оғамиз, чиниққан солдат,
Жанговар камаринг тортиб басовлат,
Утга кирса ёнмас — самандар бўлиб,
Қўшинлар бошида командарм бўлиб,
Бошлаб кетдинг бизни ўт ичра олға,
Волгадек пишқириб кўтардик долға.
Синовда зафарни тезлаштирдик биз,
Суворов ҳикматин ўзлаштирдик биз.
Ёвни қувдик юртнинг баланд-пастидан,
Қутлуғ Москванинг остонасидан,
Волга, Днепрдан — Берлинга қадар,
Қувдик найза тираб қадам-бақадам.
Она ердан фашист изи йўқолди,
Бу жанглар тарихда ёзилиб қолди.
У уруш йиллари, ташвиш йиллари
Яна ҳам жипслашдик — Совет эллари,
Олов ва сув билан пишгандек пўлат,
Чиниқди садоқат, дўстлик, муҳаббат.
Маҳорат мактабин ўтдик Сиз билан,
Ижодга киришдик етук кўз билан
Дўстлик китобини бирга ўқидик,
Ғалаба достонин бирга тўқидик.

Йигирманчи съезд илҳоми билан,
Тарихий ўн йиллик айёми билан
Янги парвозини бошлади Ватан,
Баҳор тонги каби яшнади Ватан.
Шахсга сиғинишнинг лойқаси тинди,
Ленинча ҳақиқат абадий енгди.
Йигирма иккинчи улуғвор, шонли —
Съезд режалари мангу давронли;
Программамиз шонли, улуғвор,
Халқларни абадий қилар бахтиёр.
Заводлар юксалди, далалар кулди,
Конларимиз янги қувватга тўлди.
Тинглаймиз иқболнинг чин нағмасини,
Уқиркан Партия Программасини...
Коммунизм — бутун башар йўлидир,
Ҳозирги авлоднинг яшар элидир.
Унга интиламиз, сўзсиз етамиз,
Партия амрини бажо этамиз.
Марказий Комитет бошлайди олға,
Никита Хрушчев, меҳрибон дарға,
Халқнинг жонажони, юртнинг падари,
Бизни бошладингиз истиқбол сари.
Бирлик, қон-қардошлик, тинчлик, устивор,
Тенглик, биродарлик бўлди барқарор.
Уйларнинг чароғон бўлгани аниқ,
Чўлларнинг ободон бўлгани аниқ,
Инсон парвоз этди фазога дадил,
Юлдузлар ёнида бошланди сайил;
Янги корхоналар, янги шаҳарлар...
Санасак тугамас буюк зафарлар!
Ҳаммасида Сизнинг улушингиз бор,
Элма-эл оғадек юришингиз бор;
Меҳрингиз нур каби балқиб туради,
Завқингиз дарёдек қалқиб туради.
Меҳрибон Оқсоқол, омон бўлингиз,
Коммунизм боғига боғбон бўлингиз!

* * *

Элимизга келди азиз меҳмонлар,
Санъат аҳллари, дўст, қадрдонлар.
Ҳар бири ижоднинг сўнмас кўркидай,
Бизга устозликда тирик Горькийдай,
Ҳар бир кўнгилга ёд Маяковский,
Барҳаёт бир устод Маяковский.
Шулардан руҳ олди сўз санъатимиз:
Янги руҳ касб этди шеъриятимиз;
Станиславский сингари улкан
Устоздан дарс ўқиб, саҳнамиз кўркам!
Элимизда шундай чароғон оқин,
Ўзбеклар юртига энди бир боқинг:
Мактаблар юлдуздек сочилди элга,
Камолот эшиги очилди элга.
Академиямиз кўринг, қувонинг,
Нур чашмаси бўлди янги дунёнинг,
Тошкент — коммунистик саноат кони,
Замона илмида маҳорат кони;
Самарқанд вафоли инига монанд,
Фанда сайқал олди Ленинграддан,
Марҳамат, хазина ўлкани кўринг,
Янги шаҳарларга ташриф буюринг.
Олмалиқ мисидай қайноқ қалбимиз,
Барча халқлар билан иноқ қалбимиз —
Бекобод пўлати каби мустаҳкам,
Оҳангаронимиз йўлидай кўклам,
Чирчиқ қувватидай қуввати бордир,
Меҳнатда ҳужумга доим тайёрдир!

Ленин шуъласидан обод чаманлар,
Мовий камалакдай мавжли каналлар,
Янги иншоотлар кўтармоқда қад,
Бухоро газидан Урал баҳраманд.
Мирзачўл машъала бўлиб кенг юртга,
Чўлларни бошлади ёруғлик, қутга.
Марказий Фарғона даштига юрдик,
Ҳаёт сойларини унга ҳам бурдик,
Ҳосил кони бўлгай Қарши саҳроси,
Тўлқин ургай пахта ва дон дарёси...
Уша даштларга ҳам, дўстлар, солинг разм,
Бурчак-бурчагида меҳнат, тўй ва базм,
Эллар дўстлигининг рамзи чўл бугун —
Пахтаю гуручи, меваси тўкин,
Эллар бир-бирига кўмакчи бўлди.
Рус халқи бунда ҳам етакчи бўлди.
Чўлда чайқалади кўкимтир денгиз,
Бойлиги, давлати, қудрати тенгсиз,
Бир ёни — пахтазор, кўзга суртгулик,
Жаҳонлар эгнига момиқ уртгулик,
Бир ёнда — меваси болдай боғдорлик,
Бир ёни — кенг яйлов ва ғаллакорлик,
Қўралардан қаймоқ ва мой оқади,
Сут деганинг бунда сой-сой оқади.
Булутлар тарқалиб, уфқлар ҳақиқ,
Осмонда ғубор йўқ, тиниқдан-тиниқ,
Қуёш чарақлайди нурини сочиб,
Водийлар имлайди бағрини очиб,
Экканин йиғади далада деҳқон —
Ҳосилга тўлгудек гўё бир жаҳон.
Мовий кемаларнинг капитанлари,
Терим палласининг у титанлари —
Ҳар кун уст-устига уяр чўнг-хирмон,
Илғор техникага соҳибдир деҳқон.
Шундоқ, дўстлар, бугун чўллар тақдири!
Ленининг доҳоси, халқлар тадбири —
Юртимизда шаксиз бир кафт чўл қўймас,
Чўлнинг қолишига сира йўл қўймас.
Йил сайин яхлит боғ бўлгуси даштлар,
Ҳали яратурмиз не саргузаштлар:
Пахтамиз тепамас, тоғ-тоғ бўлгуси,
Омборларга дону гуруч тўлғуси;
Мислсиз безанар эл дастурхони,
Бунда аксин топар халқнинг армони,
Ленин режалари бўлди барқарор,
Саҳролар безаниб, бошланди баҳор,
Босамиз яна кўп қумлар ташнасин,
Токи ҳар томонда боғлар яшнасин!

Йигирманчи асрнинг худди ярмида
Пайдо бўлди инсон космос бағрида.
Тарихда илк марта коммунист инсон
Олов сайёралар диёри томон —
Семурғлар мисоли илк қанот қоқди,
Фаннинг мўъжизакор машъалин ёқди.
Агар замонамиз бўлса шоҳ китоб,
Гагарин қиссаси шарафли бир боб,
Алқисса, афсона эмас, ҳақ гап бу,
На орзу-хаёлдир, айни нақд гап бу!
Беш ўғил ва бир қиз ҳикоятига,
Ақлга сиғмас зўр матонатига
Бошин эгди кекса ер курраси ҳам,
Бунда мардлик ва илм кучи бўлди жам.

Йиллар — асрларни қувиб ўтади,
Томирсиз ишларни ювиб ўтади.
Аммо юволмайди, нуратолмайди,
Биз қўйган ғиштларни қулатолмайди;
Тарихий ўн йиллик самараси бу,
Йўллар ростлигининг ишораси бу.
Ленин офтобининг нуридан бу бахт,
Улкан рус қалбининг қўридан бу бахт!
Бу бахт — Коммунистик партиядандир,
Бизга ЦК берган тарбиядандир.
Партия! Кўксимиз сен осмон қилдинг,
Орзуга тўлдириб, бир жаҳон қилдинг.
Сени деган халқлар топади камол,
Бунга Ўзбекистон энг порлоқ мисол.

Биз сенга хат ёздик, улуғ биродар,
Хат билан аҳд ёздик аҳил, баробар.
Тўйда, маъракада, шаҳру қишлоқда,
Айниқса тантана бошланган чоқда —
Мактубга назм ила оройиш бермоқ,
Маснавий йўлида қофия термоқ,
Дўстга калом айтмоқ кўп шоирона
Ўзбеклар элида қадим анъана.
Бугун қардошларнинг шарофатига,
Дўстликнинг қадрига, салобатига
Юракдан чиқариб қўшиқ айтамиз,
Халқ шеъри йўлида достон битамиз!

Коммунизм даврони — шоирлар асри.
Гуллайди дунёнинг шеъри ва насри.
Барча қалам аҳли, биз ҳам шу қатор
Эртани қутлайлик шай, қаламбардор.
Йўлчилар ободлик йўлларин очар,
Космонавт фазони кузатиб учар,
Уйни наслларга бинокор қурар,
Деҳқонлар қўли-ла тупроқ кўкарар.
Замонни тезлатар машинасозлар,
Тинчликни олқишлар рубоблар, созлар.
Геолог Ватанга кашф этар бойлик,
Шоир — киши қалбин қилур чиройли,
Коммуна аҳлининг башарий қалбин,
Одамбоз, покиза, нашъали қалбин...
У чоғда дард кўрмас инсон ва тупроқ,
Дунёнинг келгуси ўтмишдан кўпроқ!..

Халқимиз ўзининг пок тилагини,
Вафода чиниққан соф юрагини,
Назмга уйдириб баён этмоқни,
Барча қитъаларга аён этмоқни —
Бизларга буюрди, юракдан битдик,
У айтиб ёздирди, биз ижро этдик.

Ғафур ҒУЛОМ, ОЙБЕК, ЯШИН, УЙҒУН, ЗУЛФИЯ, Мақсуд ШАЙХЗОДА, МИРТЕМИР, Ҳамид ҒУЛОМ, Мамарасул БОБОЕВ, Асқад МУХТОР, Рамз БОБОЖОН, МИРМУҲСИН.

